

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА НАРГИЗАХОН МУХТАРОВНА

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЛИМЕНТ
КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК:811.111'25
811.512.133'25

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Қодирова Наргизахон Мухтаровна

Немис ва ўзбек тилларида комплимент концептининг ифодаланиши 3

Qodirova Nargizahon Muhtarovna

Expression of the concept of compliment in German and Uzbek languages 27

Қодирова Наргизахон Мухтаровна

Выражение концепта комплимент в немецком и узбекском языках 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА НАРГИЗАХОН МУХТАРОВНА

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЛИМЕНТ
КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil1813 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яқубов Жамолиддин Абдувалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Қахҳоров Кобилжон Шухрат ўғли
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Кўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел.: 0 (374) 223-88-14, факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел.: 0 (374) 223-88-14, факс: 0(374) 223-88-30

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х. Шахабитдинова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Усманов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д.

Д.М. Хошимова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний ҳодисаларда инсон омилига қаратилган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Жумладан, замонавий тилшуносликда воқеликда кечаётган ҳодисаларни лисоний номлаш уларни коммуникатив воқелантиришнинг асосий воситаларидан бири бўлган комплимент концептининг немис ва ўзбек тилларида ифодаланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнлари, маданиятлараро мулоқот ғоят кенгайган ҳозирги даврда тил муаммоларини она тили масалалари билан боғлаб ўрганиш, жумладан, немис ва ўзбек тилларида комплиментларнинг маданий асосларини билиш амалий аҳамиятга эга. Шу билан бирга муайян майдон тизимида кечадиган парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг ҳосил бўлиши ҳамда ушбу ҳамжиҳатлик шароитида ҳосил бўладиган лисоний ҳодиса назарий ва амалий жиҳатдан илмий қизиқиш объекти мақомига эга бўлади.

Дунё ижтимоий ҳаётида юз бераётган иқтисодий, сиёсий, маиший, маънавий жараёнлар ва янгиланишлар, аввало, тилнинг луғат бойлигида ўз аксини топади. Натижада тиллар янгидан янги тушунча ва уларни ифодаловчи лисоний бирликлар билан тўлдирилиб боради. Ана шундай жараёнларда инсонлар ўртасидаги нутқий мулоқот марказида нутқ меъёрларига асосланган инсоний комплиментга бевосита алоқадор эканлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шу сабабли уларнинг умумбашарий ва миллий хусусиятларини аниқлаш татбиқий тилшунослик соҳалари учун амалий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Инсонлар ўртасидаги азалий хушмуомалалик, комплимент тушунчасини ташкил этувчи воситалар ҳам инсон нутқий фаолиятининг ажралмас қисми ва унинг мулоқот жараёнидаги ўрнини белгилашга қизиқишнинг ортиши табиий ҳолдир. Инсонларнинг ўзаро муносабати уларнинг нутқий мулоқотида рўй бериши ва бу мулоқот ўзаро тенглик, толерантлик, бағрикенглик, хушмуомалалик каби тушунчаларни назарий ифодалашда мутасаддилар назаридан четда қолгандек. Зеро, бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий кадриятларини, она тилини асраб авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир¹. Мана шу умумий вазифани бажаришда комплимент тушунчасининг вербал ва невербал усуллар орқали ифодаланишини аниқлаш масаласи ўз ечимини кутмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.10.2019 йилдаги ПФ-5850-сон <https://lex.uz/docs/4561730>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармонлари; 2010 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларини ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизimini шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида “комплимент” тушунчасининг моҳиятини ўрганишга доир кўплаб изланишлар амалга оширилган. Европа тилшунослигида илк бор тил ҳодисаларининг ижтимоий омил билан боғлиқлиги Э. Хоффман, Кохен, О.В.Холмес, Й. Шмит, Р. Баначи, М. Грайн, Ж. Томас, Г. Лич, П.Й. Грайс, А.Виерзбика, Ж. Мартин, Б. Фрасер, Р. Ватс тадқиқотларига асосланган бўлса, кейинчалик, бу муаммони ўрганишга рус ва ўзбек тилшунослари ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Тилшуносликнинг бу жабҳаларида тилшунос олимлардан, асосан, Г.С. Шур, Н.С. Валгина, А. Вежбицкая, В.В. Бабайцева, И.В. Колегаева, В. Леонтьев, М. Грайнлар²нинг илмий тадқиқот ишларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин..

² Goffman E. International ritual: Die Logik der Höflichkeit: oder auf Ihre p's und q's achten // Papers vom Neunten Regionaltreffen der Chicago Linguistic Society, 1973. – S. 292-305.; Grice P. Studien zum Weg der Worte. – Cambridge: Harvard University Press, 1989.; Wierzbicka A. Unterschiedliche Kulturen, unterschiedliche Sprachen, unterschiedliche Sprechakte: Polnisch vs. Englisch // Journal of Pragmatics, 1985. № 9. – S. 145-178.; Fraser B. Perspectives on Politeness // Journal of Pragmatics, 1990. № 14. – S. 219-236.; Thomas J. Interkulturelles pragmatisches Versagen. – Kalifornien: Angewandte Linguistik, 1983. №. 4(2). – S. 112.; Brown P., Levinson S. Universals im Sprachgebrauch: Höflichkeitsphänomene. – London, 1978.; Lachenicht Lance G. Erschwerende Sprache. Eine Studie über beleidigende und beleidigende Sprache//Papers in Linguistics: International Journal in Human Communication, 1980. № 13(4). – S. 607–687. Oatey H. Kulturell gesprochen: Kultur-, Kommunikations- und Höflichkeitstheorie. // Kontinuum. – London, 2008. – №. 2. – S. 20-27.; Watts R. J. Höflichkeit: Schlüsselthemen der Soziolinguistik, repr. Hrsg. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – S. 36-38.; Ide S. Formale Formen und Unterscheidung: Zwei vernachlässigte Aspekte der Linguistik Höflichkeit // Mehrsprachig. – Sydney, 1989. № 8(2/3). – S. 223-248.; Mao L. Jenseits der Höflichkeitstheorie: Face' revisited and erneuert // Journal of Pragmatics, 1994. № 21. – S. 451-486.; Joos M. Die fünf Uhren. Bloomington: Indiana University Research Center, 1962.

Мулоқотнинг диалогик нутқ билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий моҳияти ўзбек тилшунос олимлари М.Умархўжаев³, А.Нурмонов⁴, Ш.Сафаров⁵, Ш.Искандарова⁶, Н.Маҳмудов⁷, Ж.Яқубов⁸, Ш.Раҳматуллаев⁹, С.Мўминов¹⁰ лар ишларида ўз аксини яққол топган.

Нутқий мулоқот бирликлари бўйича илк бор изланишлар XX асрнинг бошларидан бошланган бўлиб, бу масала ханузгача долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Даставвал “Хушомад” атамасини Европада калифорниялик Робин Лакофф тилшунослик луғатига олиб кирган бўлса, инглиз олими С.Левинсон эса нутқий мулоқотнинг универсал кўринишларини тадбиқ этишни амалиётга жорий этди.

Ўзбек тилшунослигида “хушомад” концептига доир тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, “Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи” мавзуси бўйича филология фанлари доктори Х.К.Турдиеванинг илмий ишида изланишлар олиб борилган бўлса-да, юқорида санаб ўтилган ҳамда чет элларда амалга оширилган тадқиқотларда комплимент атамасининг когнитив, прагматик, лингвокультурологик жиҳатлари чоғиштирма планда комплекс тарзда ўрганилмаган..

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплимент концепти лисоний ифода бирликларининг лингвопрагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тилшуносликда комплимент сўзларнинг илмий-назарий аспектларда ўрганиш, уларнинг хусусиятлари ва муқобилларини аниқлаш, таҳлил қилиш; комплимент семантик майдонини ташкилловчи тил ва нутқ воситаларининг фонологик, лексик, морфологик, синтактик ва семантик-стилистик тавсифини ўрганиш;

немис ва ўзбек тилларида комплимент концептининг, хусусан *мулозамат, хушомад, илтифот, такаллуф, хушмуомалалик, лутф, таҳсин, мақтов, манзират, қутлов, табрик* каби нутқий кўринишларининг прагматик ва лингвокультурологик тадқиқини амалга ошириш,

³ Умархўжаев М.Э. “Қизил китоб”га тушмас туйғулар: қомусий луғат. – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 114.

⁴ Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 133.

⁵ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006. – Б. 19.

⁶ Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 9.

⁷ Маҳмудов Н. Ўзбек тили халқ руҳининг кўзгуси // “Соғлом авлод учун”. – Тошкент. 2016, 9-сон. – Б. 37.

⁸ Яқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари: Фил.фан.номз.дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 5.

⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 5-6.

¹⁰ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан.номз.дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 24.

нутқий мулоқот бирликларига немис ва ўзбек халқларининг муносабатларини талқин қилиб, ёш жиҳатдан таснифлаш; немис-ўзбек тилларида сўровнома ва саҳна кузатуви каби амалий натижаларга эришиш.

Тадқиқот объекти комплимент семантик майдонини ташкил этувчи фонетик-фонологик, морфемик-морфологик, лексик-семиологик-фразеологик, синтактик-стилистик, семантик-прагматик, лингвокультурологик воситалардир.

Тадқиқот предметини комплимент концепти вербализаторларининг лисоний, коммуникатив-прагматик ва миллий-маданий табиати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, чоғиштириш ва компонент таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

немис тилидаги комплимент бирликлар миллатнинг тарихий-маданий хусусиятлари асосида немис лингвомаданиятида комплимент ўзбек тилидагига нисбатан кўп қўлланилиши далилланган;

немис ва ўзбек тилларида мулозамат, хушомад, илтифот, такаллуф, хушмуомалалик, лутф, таҳсин, мақтов, манзират, қутлов, табрик каби комплимент турларининг ижтимоий миллий прагматик хусусиятлари аниқланган;

немис ва ўзбек тилларидаги комплиментлар структур нуктаи назардан монолексем ҳамда полилексем бирликлар орқали ифодаланиши уларнинг умумий томони, ўзбек тилида эркак-аёл муносабатида комплиментларнинг оз эканлиги уларнинг уникал хусусияти экани далилланган;

комплимент сўзларнинг икки тилга мулозамат, хушомад каби хос универсал, лутф, таҳсин каби уникал ҳамда структур жиҳатдан алломорф ва изоморф жиҳатлар аниқланиб, икки тилда нутқ вазиятига хос қўлланиш усуллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Комплимент бирликларининг илмий-назарий аспекти немис ва ўзбек тилшунослигида мавжуд тушунчалар орқали талқин қилинган;

немис ва ўзбек тилларида комплимент семантик майдонини ифодаловчи воситаларнинг ўзига хос линвопрагматик ва линвокультурологик хусусиятларини шаклланишида ижтимоий муносабатнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий маълумотларнинг ишончли манбаларга таянилганлиги, илмий натижаларнинг турли таҳлил усуллари ёрдамида қиёсланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти чоғиштирилаётган миллат тилининг ўзига хос томонлари ҳам инобатга олиниб, комплимент сўз бирликлари орқали прагмалингвистика, социоллингвистика, линвокультурология бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, монографиялар,

олий ўқув юртлари ва лицейлар учун дарслик, қўлланмалар ёзишда ишнинг илмий материали, назарий хулосалари ҳамда фактик материалларидан кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари хорижий тиллар факультетларида “Ҳозирги немис адабий тили”, “Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқот”, “Немис тили лексикаси ва стилистикаси”, “Таржима назарияси ва амалиёти” фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда, “Умумий тилшунослик”, “Матн тилшунослиги”, “Когнитив тилшунослик” ва “Чоғиштирма лингвомаданиятшунослик” сингари назарий ва амалий йўналишдаги фанлар ва махсус курсларни ўқитишда материал бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Немис ва ўзбек тилларидаги комплимент концептининг ифодаланишини ўрганиш асосида:

немис тилидаги комплимент бирликлар миллатнинг тарихий-маданий хусусиятлари асосида немис лингвомаданиятида комплимент ўзбек тилидагига нисбатига оид хулосалардан New Time University Foundation Course нинг “The Communication Skills” модули бўйича ўқув жараёнларини ташкил этишда фойдаланилган (New Time University Foundation Courseнинг 2021 йил 11 сентябрдаги 805-сон маълумотномаси). Натижада яратилган ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар тингловчиларнинг прагматика ва коммуникатив тилшунослик модуллари интеграциялашувининг аҳамияти, комплимент вербализаторларининг матн тузишдаги хусусиятлари, матннинг дискурсив таснифи борасидаги билимларини янада оширишга бевосита хизмат қилган;

немис ва ўзбек тилларида мулозамат, хушомад, илтифот, такаллуф, хушмуомалалик, лутф, таҳсин, мақтов, манзират, қутлов, табрик каби комплимент турларининг ижтимоий миллий прагматик хусусиятларига оид илмий-назарий хулосаларидан университетда давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2017-2018 йилларда бажарилган № ОТ-А1-53 “Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун “Translation in Use” дарслигини яратиш ва нашр қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида яратилган “Writing translation” 1-босқич талабалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 30 сентябрдаги 03-731 сон маълумотномаси). Натижада комплимент семантикасини ифодаланиши, комплиментга оид лексемаларни тушунишда когнитив ва функционал-прагматик омиллар очиб берилган;

немис ва ўзбек тилларидаги комплиментлар структур нуктаи назардан монолексем ҳамда полилексем бирликлар орқали ифодаланиши, икки тилдаги шундай сўзларнинг ўзига хослиги тўғрисидаги таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон телерадиоканали ДМ “Маданий ва маърифий-бадиий эшиттиришлар”, “Таълим ва тараққиёт”, “Болалар ва биз” радио эшиттиришларини

тайёрлашда (Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 04-25-1478-сон маълумотномаси) телекўрсатувлари учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 6 та илмий мақола, жумладан, 3 та Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларинг чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Комплимент концептининг тил тизимида тутган ўрни”** деб номланган биринчи бобида комплимент бирликларнинг концептуал соҳаси ва унинг нутқий мулоқотда реаллашув хусусиятлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, тилшуносликда комплимент концептини билдирувчи сўзларнинг семантик майдонда тил сатҳлари орқали кўриниши, комплимент тушунчасининг функционаллашуви ва ўзбек тиллари мисолида ёритилиб, бу борадаги олимларнинг назарий қарашларига шарҳлар келтирилган, муносабат билдирилган.

Маълумки, когнитив лингвистикада **концепт** табиатини ўрганиш бирламчи аҳамиятли вазифа саналса-да, замонавий тилшуносликда ушбу атаманинг муайян бир фикрга асосланган етакчи таърифи мавжуд эмас. *Лисоний концептология* концепт тушунчасини миллий когнитив онгнинг лисоний воситалар ёрдамида моделлаштирилган бирликлари ва миллий концептосфера тавсифлари сифатида қўллайди.

Инсоннинг идрок этувчи фаолияти турли объектларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари асосида гуруҳлаш концептларни англаш асосида амалга ошади. Демак, концептларнинг шаклланиши дунёни идрок этиш, олам ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқдир. Тил ташувчилари муайян миллий-

маданий доирадаги концептуал тизим эгаси ҳисобланадилар. Концептлар табиатан ментал (маънавий-руҳий) моҳиятдир. Ҳар бир концептда олам ҳақидаги инсон учун жуда муҳим билимлар бирлаштирилган бўлиб, концептлар тизими олам тасвирини яратади, унда инсоннинг воқелик, реаллик ҳақидаги тушунчаси акс этади ва улар асосида инсон олам ҳақида фикр юритади.

Когнитив тилшунослик томонидан қўйиладиган муаммолар қаторида **концептлар типологияси** асосий назарий масалалардан биридир. Когнитив тилшуносликнинг жадал ривожланиши, концепт тушунчасини тушуниш ва концептлар типологияси, концепт нима эканлигини тушуниш учун турли хил ақлий ҳодисаларни бирлаштирадиган “соябон” атама, унинг вазифаси эса инсон онгида билимларни тизимлаштиришдир.

Концептлар тафаккур бирликлари эканлиги яқдил равишда ўз тасдиғини топди. А.П.Бабушкин концептларни *ақлий тасвирлар, схемалар, гиперонимлар, фреймлар, инсайтлар, сценарийлар, калейдоскопик тушунчаларни* ажратади. Н.Н.Болдырев эса концептни *аниқ ҳиссий образлар, тасаввурлар, схемалар, тушунчалар, прототиплар, фреймлар, сценарий ёки скриптлар, геитальтлар* тарзида таснифлайди. С.Г.Воркачев юқори даражадаги (*бурч, бахт, муҳаббат, виждон*) ва оддий концептларга ажратади ва ҳоказо. Демак, концептлар турли хил асосларга кўра таснифланиши мумкин экан.

З.Д.Попова ва И.А.Стернинларнинг концепт типлари хусусидаги таснифи характерлидир.

Тасаввур – бу объект ёки ҳодисаларнинг умумлаштирилган ҳиссий-визуал тасвири. Тасаввур-концептлар лексик бирликларда объективлашади (масалан, *қалдирғоч – ўткир қанотли, чаққон ва тез учувчи кўчманчи қуш*).

Схема – мавҳум график ёки контур схемада умумлаштирилган концептлар категорияси; бир оз заифлаштирилган тимсолли гиперонимдир. Схема-оралиқ тури тасаввур ва тушунча ўртасидаги оралиқ концепт тури, мавҳумлик ривожланишининг маълум бир босқичи (масалан, *инсон – бош, тана қисми, қўллар ва оёқлардан иборат схематик образи*).

Тушунча – объект ёки ҳодисанинг энг умумий, муҳим бўлган белгиларини акс эттирувчи концепт, уларни оқилона акс эттириш ва тушуниш натижаси (масалан, *квадрат – бу тенг томонли тўртбурчак*).

Фрейм – таркибий қисмларининг бутунлиги фараз қилинган кўп хил таркибий қисмли концепт, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги намунавий билимларнинг ҳажмли тасаввури, қандайдир йиғиндиси (масалан, *магазин, ресторан, кино, шифохона*).

Сценарий (скрипт) – маълум бир вақт оралиғида содир бўладиган бир неча эпизодлар кетма-кетлиги, бу ҳаракат ва ривожланиш белгиларига эга стереотипик эпизодлардир (масалан, *стадион – фрейм, стадионга бориш, стадионда ниманидир намойиш этиш, стадионни таъмирлаш* кабилар сценарийдир).

асосан сифатлар, равишларнинг шакллари мавжуд бўлиб, улар учун “комплимент” белгиси доминантлик қилади.

Матндаги комплимент кўрсаткичларини тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, комплимент фонетик, морфемик, сўз яшаш, лексик, фразеологик, грамматик (морфологик ва синтактик) ва матнда намоён бўлади. Комплиментнинг намоён бўлиши ўзига мос воситалари ёрдамида амалга оширилиб, уларнинг таҳлили қуйидаги турларини аниқлаш имконини берди: *график кўрсаткичлар, морфемали кўрсаткичлар, лексик-семантик кўрсаткичлар, фразеологик кўрсаткичлар, грамматик кўрсаткичлар, морфологик ва синтактик кўрсаткичлар.*

Комплиментнинг сатҳлар кесимида намоён бўлиши қуйидагича:

1. Фонетик-фонологик воситалар асосида нутқий мулоқотда комплиментнинг фонетик сатҳ бирликлари билан амалга оширилганда нутқ товушларининг талаффуз шакллари, артикуляция усули танланади ва нутқ товушларига жило-жозиба берилади.

Немис тилида: *Ihr gooldnes Geschmeide blitzet
Sie kämmt ihr gooldenes Haar.*

Ўзбек тилида: *МАЗЗА қиласиз! Иссиққина! РОООСА...*

2. Лексик-семиологик. Комплимент тушунчаси, ҳеч шубҳасиз, тилнинг марказий элементи ҳисобланган лексик воситалар (лексемалар) орқали амалга оширилади. Лексик воситалар дейилганда, мустақил маъноли сўзлардан ташқари ёрдамчи, ундов, тақлид, модал, шева, тарих, касб-ҳунар, диний ва бошқа сўзларнинг услубий (бадий, илмий, расмий) хосланиши назарда тутилади. **Немис тилида:** *Bär oder Bärchen, qwein, König;*

Ўзбек тилида: *мулла, қори, шер, шайхзода;*

3. Фраземик-фразеологик. Коммуникатив иборалар, одатий турмушда қўлланадиган иборалардир. Ёмон очилиб кетибсиз? *Du siehst heute so schön aus.*

4. Морфемик-морфологик. Комплимент морфологик сатҳ бирликлари воситасида ифодаланганда сўз туркумлари нутқий вазият учун муҳим ҳисобланган номлаш ёки қайта номлаш мақсадида ўзаро алмаштирилиши мумкин. Масалан, от сўз туркуми ўрнига сифат (қизил), сон (биринчи), олмош (ўша, бу)нинг отлашган варианты. Морфологик тамойил кенг маънода қўлланганда, ўзак-негиз бирликлар (асослар)нинг фақат аффикслар билангина эмас, бошқа ҳар қандай грамматик элементлар, жумладан, ёрдамчи сўзлар билан қўшилиши ҳам ҳисобга олинади.

Хослик тегишлилик (*-ники, -нинг, -s*), чегара (*-га, -гача, -bis*), қиёс (*-ча, -дек, -chen, -lein*), ўхшатиш (*-дек, -симон, -chen*), келишик, кўмакчилар билан ўзаро (*-га, томон – durch, -gegen, -да, билан – mit, -ни, ҳақида – über*), сифатнинг даража кўрсаткичлари ўзаро (*жуда, ниҳоятда, энг – am, besten*), соннинг маъно турлари кўрсаткичлари (*икки – zwei, иккинчи – zweite, иккита – zwei*), олмош маъно турлари (*сен, сиз – du, sie, ўша, ўшал – dort, ана, мана – diese, унер, ҳеч, сира – nie, niemals*), феълнинг грамматик категория элементлари (*замон, нисбат, майл, шахс-сон*) ёки феълнинг

функционал шакллари билан (-*диган, en, -t, -ётган, -nde, -ар, war, -япти, -en*), ундов (*оҳ-эх, Oh, wow, воҳ, o*), тақлид (*мақ-нақ, tik-tak*) модал (*дастлаб – anfangs, ҳақиқатда – in der tat, аслида – eigentlich*) сўзлар ҳам бир бири билан алмашади.

5. Синтактик-семантик. Синтаксис (грекча *syntaxis* сўзидан олинган бўлиб, ёпиштирмақ, бирлаштирмақ демакдир) тил тизимининг юқори сатҳи бўлган синтактик сатҳ ҳамда шу сатҳ ҳақидаги таълимотдир. Сўз бирикмаси эса борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ўртасидаги маълум муносабатларни акс эттирувчи икки мустақил сўзнинг ўзаро грамматик ва мазмуний бирикувидан ташкил топади.

Тилларнинг структурал ўхшашлиги тушунчаси нисбий бўлиб, немис ва ўзбек тиллари структурал ўхшаш бўлмасида, структурал фарқли хусусиятларга эга.

Тиллар ўхшашлигининг барча типлари ўзаро икки кутбга бўлинади: биринчи кутбда генетик, структурал ва ареал жиҳатдан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган тиллар турса, иккинчи кутбда генетик, структурал ва ареал жиҳатдан ўхшаш бўлган, лекин битта тилга мансуб шевалар туради.

Немис тилида: *Dein Kleid steht dir recht gut.*

Ўзбек тилида: *Келишган қадду қоматига кўз тегмасин.*

Комплимент – ўзбек тилига ўгириш, буриш; лутф қилиш, эътибор, марҳамат каби маъноларни билдиради. Масалан, кишига қилинган эътибор, ҳиммат, диққат, эътибор, яхши муносабат. *Бўлмаса сиз бироз дам олинг, - деб у комплимент қилиб қўйди (Н.Аминов, “Қалтис хато”).*

Шунча эътибор, шунча илтифотга қарамай, Нури зериккан каби хомуш ўтирди (Ойбек, Танланган асарлар).

Илтифотли – кишига илтифот қиладиган марҳаматли, ҳимматли. *Илтифот кўрсатган кишига илтифотли бўлсангиз. Илтифотли кишилар...камтарин одам ўз адресига айтилган комплиментларни, мақтовларни тўғри қабул қилади (Газетадан).*

Хушмуомала хуш+муомала 1) муомаласи, гап сўзлари хатти-ҳаракати ёқимли; хушфёъл. Ушбу маъно Д.Нурийнинг “Осмон устун” асаридан олинган мисол орқали далилланди. *“Ҳақиқатдан ҳам Лаълининг бунчалик хушмуомала йигитни биринчи бор кўриши, гап билан илтиб қўяди-я!”. Яна бир мисол: Бошлиқнинг хушмуомала, маданиятли бўлгани яхши. (Ф.Мусажонов, “Ҳиммат”).*

Хушомад (яхши келди, хуш ёқди) – саломлашиш, салом бериш; ёқимли сўз; тилёғлама, мақтов. Бирор кишига таъмагирлик билан хизмат қилиш, сермулозамат бўлиш, мақташ ва ш.к.: хушомадгўйлик, лаганбардарлик. *Хон кишини хушомад хароб этар (Мақол). Айрим раҳбарлардек, Баширжонга ҳам хушомад ёқарди (“Ёшлик”).*

Хушомад қилмоқ 1) хушомадгўйлик билан муомала қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ. – *Хотин киши эрига хушомад қила бошладими, у гуноҳ қилган бўлади (С.Сиёев, “Отлиқ аёл”);*

2) мамнуният ифодаси сифатида “дўст”, “барака топ”, “қурбонингиз бўлай” каби иборалар билан кимсага қараб ҳитоб қилмоқ. *Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилар, қийқиришар эди (П.Турсин, “Ўқитувчи”).*

Хушомадгўй (форс) хушомад айтувчи. Бировга хушомад қилувчи; лаганбардор. *Илмсиз бош қашир, хушомадгўй гап ташир (Мақол). Сизга бошқа одамлар тўсқинлик қилди, бўлмаса бундай зиёнчилар, хушомадгўйларни уриб, патини тўзитиб юборар эдингиз (А.Қаҳҳор, “Мунофиқ”).*

Хушомадгўйлик – лаганбардорлик, хушомадгўйлик қилмоқ. Хушомадгўйлик билан гапирмоқ. *Олахўжа Элмуродни кўрган жойида хушомадгўйлик билан гаплашишига киришарди (П.Турсун, “Ўқитувчи”).*

Лутф – мулойимлик, марҳамат; одоблилик, ёқимлилик.

1) **Илтифот**, марҳамат олийжаноблик. *Агёрларга лутфила эҳсон қачонгача? (Муқимий). Улар, гўё бу лутфу илтифотдан хижолат чеккандай, бир зум жим олишди (О.Ёқубов, “Кўҳна дунё”).*

2) **Лутф қилмоқ**. Илтифот (марҳамат кўрсатмоқ). *Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўхи бепарво (Увайсий). ...эшон меҳрибонлик билан лутф қилиб, мени ҳужрайи хосларига чақирдилар (Ғ.Ғулом, “Шум бола”).*

Лутф қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ) 1) умуман, айтмоқ, демоқ. *Буюк Алишер лутф этган мисол, Савод ўргандингиз қанча ранж билан (А.Орипов).*

2) сўз ўйини, қочирим қилмоқ. *Мутриб лутф қилди: – Сиз Матюсуфнинг қулогини бурамайсизми, Рўзимбой! – Кулушдилар (С.Сиёев, “Ёруғлик”). Онасининг лутф қилиб айтган сўзлари Бобурнинг ҳужрадан олган завқини яна бир бор оширди (П.Қодиров, “Юлдузли тунлар”).*

Мулозамат – бирга бўлишлик, ажралмаслик; бирга эргашиб бориш; қатъийлик. *Кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот, эъзоз-икром, такаллуф. Меҳмонга мулозамат қилмоқ.*

Мулозамат кўрсатмоқ. *Меҳмонларни хотинларга хос мулозамат ва ширин сўзлик билан кабинетга таклиф қилди (А.Қаҳҳор, “Картина”).*

Бор усталигини ишга солиб, илтифот ва мулозаматлар билан қизнинг кўнглини овлай бошлади (Ф.Мусаёнов, “Ҳурий”). Ақалли кўнгил учун мулозамат ҳам қилишмади (М.Хайруллаев, “Кўнгил”).

Мақтамоқ. Яхши томонларини, фазилатларини кўрсатиб гапирмоқ, яхши қилиб кўрсатмоқ. Ўзини мақтамоқ. Ўқувчини мақтамоқ. *Офтобойим: Чиройли йигит, ақлли йигит, деб мақтай-мақтай Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди? (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”). Нонвойлар...гоҳида саватларини бурнингизнинг тагига келтириб, нонларини сўлқиллатиб мақтайдилар. (М.Исмоилов, “Фаргона тонг отгунча”).*

Қуллуқ – 1) миннатдорлик ифодаловчи сўз; раҳмат, миннатдорман. *Ёрдамингиз учун минг марта қуллуқ. Кўрқманг, ҳожи...Кўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқариш бўлсин. – Қуллуқ, Қушбеги. (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”).*

Қуллуқ қилмоқ. Қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик изҳор қилмоқ, таъзим қилмоқ. *Ҳасан овчи дарвозагача қуллуқ қилиб, орқаси билан юриб*

борди ва посбонлар қаршисида ўзини ростлади (Ш.Тошматов, “Эрк қуши”).
Дехқон шодлик... билан тўла, қуллуқ қила қила чиқди (Ойбек, “Навоий”).

2. Муборак, қутлуқ. Нафиса, ўгил қуллуқ бўлсин...жонгинам (А.Муҳтор, “Тузулиш”). Элниг катта кичиклари “қуллуқ бўлсин”га келаверди. “Алпомиш”(Ҳожси:) Орзиқул уйда бўлса, қуллуқ бўлсин қилиб чиқай.

Таҳсин – яхшилаш, такомиллаш; тузатиш; маъқуллаш, мақташ. Маъмнуният билан, маъқуллаб берилган юқори баҳо; мақтов, тасанно. Кўпчиликнинг тақсин ва раҳматига сазовор бўлиб, яхши одам деган номга муносиб бўлиш осон эмас. Шуқурилло, яхши хулқ – яхши ҳусн. Ғуломжон қозининг кўз қарашида аллақандай илиқлик, ҳатто таҳсин сезди.

Табрик – бахт, омад, эзгулик тилаш; қутлаш. Бирор яхши (қутлуқ) кун, сана ёки эришилган ютуқ, яхшилик муносабати билан билдириладиган қутлов сўзлари; *муборакбод*. Меҳмонлар билан вакилларнинг қизгин табриклари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади. (П.Турсун, “Ўқитувчи”). Юзлари қувончдан қизарган Обид Йўлдошевич табрикларга паст товуш билан раҳмат айтарди. Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнгайсизланган эди (А.Қодирӣ, “Меҳробдан чаён”).

Немис тилидаги комплиментни ифадоловчи сўзларни ишлатилишига эътиборни қаратсак. Такаллуф қилмоқ – ҳурмат-эҳтиром билан муомалада бўлмоқ. Нусратбек янги хамроҳига деган мақсадда жувонга такаллуф қилди: *Чой дамлаб келайми чанқагандирсиз?* (С.Нуров, “Нарвон”).

Kompliment – des Gebotes der Höflichkeit - *хушмуомалалик амри*, феълда ифодаланиши: бўртириш; aus lateinisch-лотин тилидан “complere” сўзидан олинган; aus dem Präfix com – олди кўшимча кўринишида, “compliment”ни сифат сўз туркуми орқали ифодаланиши:

Das fasse ich als Kompliment auf – таржимаси: мен бунини илтифот сифатида қабул қиламан.

Mein Schwager kann wunderbare Komplimente machen – таржимаси: Менинг қайноғам комплимент қилишига уста.

Schmeichelei – хушомад, такаллум, мулозамат schmeichelnde – хушомадгўй. Falls diese Bemerkung als Schmeichelei gemeint war, verstand Csoma sie nicht so. – У бу сўзни хушомад эканлигини тушунмади.

Hoflich – мулойим: қизиқиш, ҳамдардлик, миннатдорчилик, эътиборлилик, самимий, хайрихоҳ, юмшоқ, яхшилик, самимийлик каби маъноларда қўлланади.

Алломорф жиҳатлари шундан намоён бўлмоқдаки, қиёсланаётган тилнинг тил структураси турлича эканлиги, яъни ўзбек тили аглютинатив тиллар гуруҳига кирса, немис тили аналитик тиллар гуруҳига мансубдир. Фикримизнинг исботи сифатида биз айрим бадиий адабиётлардан танлаб олган мисолларимизни чоғиштириб кўриб чиқамиз.

Қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларнинг мавжудлиги, уларни структурал тузулиши ҳар хиллиги

сабабли, уларни икки тилда қиёслаш айнан ишни долзарблигидан далолатдир.

Масалан, немис ёзувчиси Ҳенрих Ҳайненинг “Германия қиш эртаги” асари кўплаб тадқиқотларга тортилган, биз ҳам тадқиқотимизда шу ёзувчининг асаридан айрим дебочалар олиб, уларни таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Комплимент бирликлар қайси тилда бўлмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонлар ўртасидаги муносабатларни юзага чиқаришга қаратилган воқеликдир. Комплимент бирликлар бирон шахсга қаратилган мулоқот шакли бўлиб, тингловчига сўзловчининг самимий ҳурмати ифодаловчи лингвистик феномен ҳисобланади. Комплимент бирликлар нафақат икки инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайди, балки тингловчининг кайфиятини кўтариш ва унинг диққатини сўзловчига қаратиш учун ҳам хизмат қилади. Бундай ҳолатларда бу тил унсури иллокутив вазифа бажаради.

Комплимент бирликлар, юзаки ёки ёлғондан бўлиши ҳам мумкин. Фақат самимий баён этилган комплиментлар, комплимент қилинаётган шахснинг яхши томонларини очиб бериши мумкин. Комплимент бирликлар бу бошка шахсни руҳлантиришдир. Унинг ўзи ҳақидаги фикрларини яхшилайти, тетиклантиради. Кузатиш орқали комплимент қилинаётган шахснинг яхши томонлари танланади ва уларга комплимент қилинади.

Ўзбек тилида: *Охунбобоев мамнун илжайди-да, чой ичиб ўтирган Эш полвон олдига келиб, елкасига қоқди (Саид Аҳмад).*

Немис тилида: *Toll! Du bringst mich zum Lachen. Was für ein herzlicher Mensch du bist.*

Комплиментлар мақтовдан фарқ қилади. Мақтовда бир шахснинг бирор ишда муваффақиятга эришганлиги эътироф этилади. Бунда иккала томон манфаатдор бўлади. Комплимент бирликлар эса, инсонларнинг бир-бирига бўлган симпатиясини билдиради, бунда комплимент қилувчи манфаатдор бўлиши мумкин.

Комплимент қилинаётган одам ўзини яхши ҳис қилади. Комплимент одамнинг ўзлигини ҳис қилишига ёрдам беради. Эркак-аёл муносабатларида, эркаклар “*Агар мен ҳукумат бўлсам ҳуснингиз учун ойлигингизга яна уч юз сўм қўшардим*” (Саид Аҳмад, “*Жимжитлик ёхуд зор қасрда топталган номуслар*”). Бу “*ёқимли*”, “*ростданми*”, “*жуда ёқимли*”, немис тилида: *danke, danke schön, bitte, bitteschön* каби комплимент бирликлар аёлларга нисбатан кўпроқ қўлланилади, лекин эркаклар орасида ўзаро комплимент қилиш одат эмас. Масалан: *Ich habe mich bemüht, Ihnen zu gefallen!*¹³

Немис тилида “*bitte*” – “*марҳамат*” сўзи ҳамда “*danke*” – “*рахмат*” сўзи кундалик ҳаётда шу қадар кўп ишлатилар экан. Германиянинг қурилиш масканида немислар *гиштларни бир-бирига қўлма-қўл беришда “bitte schön”* деса, иккинчиси “*dankeschön*” деб олар эмиш.

¹³ [https://www. Wörterbuch Deutsch-Englisch linguee.de](https://www.Wörterbuch-Deutsch-Englisch-linguee.de)

Немис ва ўзбек тилларида комплиментнинг турли ифода шакллари кўришимиз мумкин. Булар фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфем-морфологик, синтактик-семантик, прагматик-культурологик ҳамда новербал комплимент воситалар орқали турли тил тизимларига хос бўлган ўзбек ва немис тилларида ушбу ўринда бир қатор умумийликни кўришимиз билан бирга, улар орасида сезиларли даражада фарқловчи комплимент усуллар мавжудлиги далилланди. Ушбу ўзига хослик ҳар бир халқнинг тарихий, миллий, диний тараққиёт даражаси орқали асосланади.

Диссертациянинг “Немис ва ўзбек тилларида комплимент ифода воситаларининг изоморф, алломорф жиҳатлари чоғиштирма таҳлили” деб номланган иккинчи бобида немис тилидаги сўзлар билан бошқа тилдаги сўзларнинг турли хил хусусиятларини қиёсий ўрганиш сўзларнинг турли хил хусусиятлари мавжуд эканлигини кўрсатади. Сўз шакли, ўзаро боғланган сўзларнинг семантик тузилиши ва уларнинг нутқда ишлатилиши турли хил тилларда турличадир. Ҳар бир тилнинг ўзининг лексик тузилиши мавжуддир.

Мисол учун, “хушмуомала, илтифот, лутф, мақтов, миннатдорчилик, мулозамат” сўзларининг маъноларининг ифодаловчи “kompliment” сўзи билан қўлласак, уларни ишлатилиши таржимада ҳар доим ҳам мос келавермайди.

Фикримизнинг далили сифатида немис ва ўзбек тилларида “kompliment” концептининг ишлатилишини кўриб чиқиш мақсадида, немис ёзувчиси Ҳенрих Ҳайненинг “Германия қиш эртаги” асаридан айрим дебочалар олиб, уларни таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

“Қиш эртаги” асарининг биринчи бўлимидаги мисраларни таҳлилга тортсак:

Im **traurigen** Monat November war's, *Ноябрининг рухсиз, тунд чоғи,*

Die Tage wurden **trüber**, *Осмон қавоқ уйган бир сана.*

Der Wind riß von den Bäumen das Laub, *Совуқ ёмғир остида кирдим*

Da reise ich nach Deutschland hinüber. *Германия бағрига яна.*

Ўзбек тилидаги муқобилини 1984 йилда ўзбек таржимони Абдулла Шер¹⁴ томонидан ўгирилган мисраларига эътиборни қаратамиз.

Икки тилда берилган мисраларда, айнан адиб ифодаламоқчи бўлган фикрлар сўзма-сўз таржима қилинмаганлигини учратишимиз мумкин.

Комплимент элементларини таржима орқали бошқа тил мухитига узатиш жараёни мураккаб масала эканлиги маълум. Таржима бирор матннинг шунчаки эквиваленти эмас, бу асл нусхани қайта ёзишдек қийин ва мураккаб жараён ҳисобланади. Таржима фаолиятини тушуниш учун, биз маданият ва тил тушунчаларини аниқлаштириб олишимиз, тил ва маданият ўртасидаги алоқаларга эътиборимизни қаратишимиз лозим. Келтирилган тўртликларда шоир-таржимон бадий услубни сақлаб қолган ҳолда, бўёқдорликни оширган. Натижада, таржима китобхонларни ўзига ром этадиган ҳолатга келган.

¹⁴ Heine H. “Қиш эртаги”. (Абдулла Шер таржимаси). – Тошкент: “Ёш гвардия” нашриёти, 1984. – Б. 11.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилидаги *Хушомад, тилёғлама, мақтов* маъносини ифодаловчи сўзлари немис тилидаги айнан *Schmeichelei-xushomad, такаллум, мулозамат* сўзига мос келса,

Мақтамоқ, олқишламоқ, мақтовли маъносида қўлланадиган сўзлар эса, немис тилидаги *loben, Lobenswert, Belobigen* сўзига мос келди.

Олқиш, олқишламоқ маъносини билдирувчи комплимент сўзлар, немис тилидаги *Beifall, applaudieren* сўзларига муқобил бўлиб тушди.

Илтифот қилиш, комплимент қилиш – Bekomplimentieren, миннатдор бўлмоқ – dankbar war, мамнуният-илтифот, миннатдорлик – Zufriedenheit, такаллуф қилмоқ, хурмат-эҳтиром билан – Angebote, тасанно, мақташ, кўкларга кўтариш – Höflich маъносини билдириб, икки тилда ҳам бор эканлиги ва ҳозирда мулоқотда ҳам фаол ишлатилиши, икки тилнинг семантик жиҳатдан ўхшашлигини ёки изоморф томонларини ифодалаяпти.

Шу билан бирга, ўзбек тилида шундай комплимент бирликлар учрадики, уларни немис тилига сўзма-сўз ўгиришнинг иложи йўқ, масалан: **тавалло** – амал мансабга эга бўлиш, **сарбаланд** – боши юқори кўтарилган, **ялаб-юлқаламоқ** – сермулозамат-мулозаматли, такаллуфни ўрнига қўядиган, **сертакаллуф** – сермулозамат, сертакаллуф одам, **сертавозе** – ғоят тавозели бирликларидир. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида келтирилган сўзларнинг барчаси бизнинг ўзбек тилимизга ҳам форс-тожик тилларидан ўзлашган бўлиб, ҳозирда ушбу комплиментни ифодаловчи сўзлар эскирган мулоқотда чекланган ҳолда қўлланиб сўзлар қаторига кириб боришлигига тадқиқотимиз даврида гувоҳ бўлдик.

Яна бир ноўхшаш жиҳатларидан бири ўзбек тили изоҳли луғатида **манзират** – комплимент сўзи, сўзлашувда илтифот кўрсатиш маъносида қўллансада, немис тилида умуман унга маъно жиҳатдан тўғри келадиган эквивалент топилмади.

Такаллум – комплимент сўзи ҳам хурмат-эҳтиром, иззат икром билан қилинган муомала маъносини англатса-да, ҳозирги ўзбек тилимизда бу сўзнинг ўрнига эҳтиром сўзи ишлатилиши фаоллашган.

Булар ҳам икки тилдаги алломорф жиҳатларига яққол мисол бўла олади.

Диссертациянинг **“Комплиментнинг немис ва ўзбек тилларида семантик-прагматик структураси”** деб номланган учинчи бобида умумий ва хусусий комплиментлар, комплиментларнинг маъно турлари, ўзбек ва немис тилларида комплимент дефиницияси, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги комплиментлар, эркак-аёл муносабатига оид комплиментлар, устоз-шогирд муносабатига оид комплиментлар, раҳбар-ходим муносабатига оид комплимент бирликлар, меҳмондорчиликка оид комплимент бирликлар, совчиларга оид комплимент бирликлар тизимли равишда тадқиқ қилинган.

Комплимент – хушмуомалалик нутқий мулоқот муносабатининг марказий бирликларидан бири ҳисобланиб, дастлаб, умумий ва хусусий комплиментга бўлинади. Умумий комплимент дейилганда, барча тиллар, миллатлар, маданиятлар ва барча инсонлар учун умумий – эзгу тушунчани ифодаловчи умумбашарий ақлий ва ҳиссий қонуниятлар асосига қурилган

комплимент тушунилади. Бунда башарият учун умумий бўлган эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, зулматнинг зиёдан мағлуб бўлиши, инсонларнинг ўзаро эҳтироми, руҳий оламга муҳаббат, миллатнинг ўз тарихига ҳурмати, миллатлар ўртасидаги тенглик ва бошқа шу каби барча инсонлар учун меъёр ҳисобланган инсоний тушунчалар ифода қилинади. Умумий комплимент хусусий комплиментларнинг ўзида бирлашишидан пайдо бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, муайян бир тилнинг хусусий комплименти иккинчи бир тилнинг комплименти бўлмаслиги мумкин

Аксар араб мамлакатларининг географик жиҳатдан жойлашинуви сахроликлар бўлгани учун ижтимоий-маиший ҳаётида туянинг аҳамияти катта, шунинг учун ҳам туяга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишади, албатта, бу ҳурмат юқорида айтилгандек, ижтимоий, сиёсий, диний ва бошқа тамонлар билан асосланади туяга бўлган бундай ижтимоий эҳтиёж араб миллат ва мамлакатларида арабий хусусий комплиментни вужудга келтиради. **Туядек гўзалсиз** аёлларга нисбатан, **туядек виқорлисиз, туядек сабрлисиз** ва бошқ... Япония мамлакати географик-ареал жиҳатдан чор тарафи сувлик билан ўралгани ёки диний-сиёсий жиҳатдан сув ҳайвонлари билан боғлангани учун улар ҳаётида **илон (аждаҳо)** муқаддас ҳисобланади, уларнинг ўзаро мулоқот тарзида аждаҳо билан боғлиқ комплиментлар япон миллатининг ўзига хос хусусий комплименти ҳисобланади. **Аждаҳодек гўзалсиз, аждаҳодек ақллисиз...** Россия мамлакатининг географик жойлашуви совуқ, нам, ботқоқликлар кўп бўлгани учун шамоллаш (ревматизм)га қарши энг самарадор восита чўчка гўшти ва ёғи (сало) сабаб чўчка тушунчаси билан боғлиқ хусусий комплиментлар (менинг **чўққам, чўққачам, чўққа...**) кўп учрайди, ёки ўзбек миллатининг хусусий комплиментида қўй-қўзи билан боғлиқ маъновий сермахсул комплиментларнинг учраши ўзбек миллатининг ижтимоий-диний ҳаётида қўйнинг аҳамиятининг (тўйи, азаси, мулки...) катта эканлигидан далолат беради. “Қўйдек ювош”, “қўй кўз”, “қўчқор”, “қўзичоқ”, “жуфт қўзи” кабилар.

Хусусий комплиментларнинг яна бир хосланган тури мавжуд бўлиб, интилиш ва қизиқишлари бир касбий, лавозим, эътиқод жиҳатдан бир оила ёки оилавий тарзи бир, гендер ёки ёш жиҳатдан бир инсонларнинг ўзаро мулоқот шаклида (жаргон ёки окказионализм) ёки мажозий образларда намоён бўлади. Аниқ ичмайсизми? Кумуш опамнинг саломатлигига ҳам ичмайсизми

- Ха-ха-ха, нозик жойдан ушладимми?¹⁵

Немис тилида: “*Verehrter Herr, entschuldigen Sie, aber es kommt mir schwer an, die richtigen Worte für meinen Dank zu finden*”¹⁶.

Инсонийлик жамиятнинг энг кичик ва мукамал бутун қисми оила ҳисобланади. Инсоннинг камол топиши, инсоний тарбия олиши ва унинг нутқининг шаклланиши ҳам, ҳеч шубҳасиз, оилада, ота-она назоратида

